



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил
20 январь
ЧОРШАНБА
№ 5
(12.225)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА ФУҚАРОЛАРНИ НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВ ҲАМДА МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг қақурув ёшидаги фуқаролари 2010 йилнинг февраль-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга қақурилсин.
2. Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда қақурилиш муддатини кечиктириш ва қақурилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу қақурув мобайнида Қуролли Кучлар сафига қақурилмайдиган фуқаролар сафарбарлик қақуруви резервиге олинсин.
3. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар 2010 йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервиге бўшатилинсин.
4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби М. Атаев зиммаларига юқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ.**
Тошкент шаҳри,
2010 йил 19 январь.

ТУҲФА

Юртимизда ёшларнинг жисмонан бақувват ва соғлом бўлиб камол топишлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.



Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят филиали Ватан ҳимоячилари Кўни муносабати билан Оҳангарон туманидаги аъённавий ҳарбий спорт ўйинлари иштирокчилари, ғолиблари ва кам таъминланган оилалар фарзандларига 6 миллион сўмлик спорт анжумлари туҳфа этди.

Бир неча турдаги бежирим, кулай спорт кийимлари ёш спортчилар учун ажойиб совға бўлди.

Бобомурод ОРТИКОВ.

2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ



ҲАМКОРЛИҚДА ҲИҚМАТ КЎП

Тошкент туманида касбий таълим савиясини кўтариш ва битирувчиларни ишга жойлаштиришда ижтимоий ҳамкорлик бўйича мақсус келишув амал қилмоқда.

Таълим муассасаларининг фаолиятини жамоатчилик бошқаруви органлари томонидан йўналтирилиши – янги-янги авлодларни камол топтириб боришнинг истиқболдаги таъсирчан ва самарали усули. Бу давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган. Жамоатчилик бошқаруви таълим муассасасининг васийлиги, муассис ташкилотлар, маҳаллий ҳокимлик идоралари, савдо-саноат палатаси, жамоат ташкилотлари, турли жамғармалар ва ҳомийларнинг вақилларини ўз ичига олади.

бир касбий таълим муассасаси ўзича, "қоқилиб-суқилиб" ишлаяпти. Айтмоқчи-манки, маҳаллий имкониятлардан келиб чиқилаяпти.

Касбий таълимни такомиллаштиришга доир изла-нишлар ва тажрибаларимиз туфайли коллежимиз Германиянинг халқаро малака ошириш ва ривожлантириш ташкилоти (InWEnt) грантини қўлга киритган, икки марта шу мамлакатда бўлиб, бу соҳадаги амалиёт билан танишдим. У ерда кузатилганларим бўйича ижтимоий ҳамкорликка доир мақсус келишув лойиҳасини тайёрладик. Худудий дастур вазифаларини амалга оширишнинг таъсирчан механизми бўлиб хизмат қилувчи бу хужжатга InWEnt билан ҳамкорликдаги "Ўзбекистонда касб-хунар таълимини ривожлантириш" лойиҳаси, Европа Иттифоқи Комиссиясининг ТАСИС дастури доирасида "Ўзбекистонда ўқитиш ва таълим соҳасида ижтимоий ҳамкорлик"нинг иккинчи босқичи лойиҳаси, Таълим соҳасида Европа фонди, касбий таълим бўйича халқаро конференциянинг материаллари асос қилиб олинди.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТДА: коллеж талабалари ўқитувчилари билан. **Еркебой БОТИРОВ** олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Р. Қ. Холматовни Тошкент вилоятининг ҳоқими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Рустам Қурбонназарович Холматов Тошкент вилоятининг ҳоқими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ.**
Тошкент шаҳри, 2010 йил 15 январь.

Вилоят ҳаёти

ПИСКЕНТ ТУМАНИ

ЧИНОРЛАР УЗОҚ ЯШАЙДИ

Тумanning 5-умумтаълим мактабида ёзувчи Собир Иномовнинг "Чинорлар узоқ яшайди" номи китобининг тақдирот маросими бўлиб ўтди.



Унда устоз ёзувчилар, ёш ижодкорлар, ўқувчи ва ўқитувчилар иштирок этди. Муаллифнинг "Ҳаёт чашмаси", "Қумсаш", "Нажот кўприги", "Тун бағридаги шарпа" каби маънавий-маърифий, тарбиявий аҳамиятга эга

бир неча китоблари эълон қилинган эди. Янги китобда эса ёзувчининг талабалик йиллари билан боғлиқ илҳомлари қисса ва ҳикояларда ўз аксини топган.

Манзура РУСТАМОВА.

ЧИНОЗ ТУМАНИ

ДИН ВА ЁШЛАР

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ташаббуси билан Чиноз туманида кўрсатиш ва иқтисодий касб-хунар коллежида "Дин ва ёшлар" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтказилди.



Унда коллеж талабалари, туман прокуратураси, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар билан ишлаш қўмиталари вақиллари, халқ таълими бўлими хо-

димлари иштирок этди. Давра суҳбатиде талабалар дин масалаларига оид ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

БЕКОВД ТУМАНИ

ОИЛА ҚУРИШ МАСЪУЛИЯТИ

Тумanning Далварзин маийши касб-хунар коллежиде "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамда ФХДБ бўлими ҳамкорлигида "Ёш оила қурувчилар учун" давра суҳбати бўлиб ўтди.



Турмуш қуриш ёшидаги йигит-қизлар иштирок этган тадбирда оила қуришда эътибор қаратилиши лозим

бўлган жиҳатлар атрофлича тушунтирилди.

Марат НУРОВ.

ЧИРЧИҚ ШАҲРИ

ЭНГ ЯХШИ УСТА

Ўрта-мақсус касб-хунар таълими маркази энг яхши ишлаб-чиқариш устаси республика кўрик-танловини ўтказди.



Қатнашчиларнинг бил-имларини синаш мақсадида тестлар тарқати-либ, металлга ишлов берувчи дастгоҳларда ишлашлари кузатилиди. Биринчи ўрин Тошкент авиасозлик коллежи ишлаб чиқариш таъли-

ми устаси Жамол Еш-мирзаевга насиб этди.

Ирода МАҚСУД қизи.

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА

ХОҲИШ БОР, ИМКОНИЯТ ЕТАРЛИ

Вилоят ҳоқимлигида тадбиркор аёллар фаолиятига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари раислари, тадбиркор аёллар, банк ходимлари, бандаликча кўмаклашувчи марказ, тадбиркорлар палатаси ва бошқа жамоат ташкилотлари вақиллари иштирок этишди.

Йиғилишни вилоят ҳоқими Рустам Холматов олаиб борди.

Тадбир иштирокчилари вилоят "Тадбиркор аёл" уюшмаси раиси Гулнора Маҳмудованин йил якунларига бағишланган ҳисоботи тинглаб, муҳоқима қилишди.

Йиғилишда таъкидланганидек, ҳозирги кунда вилоятдаги 3912 нафар тадбиркор аёллар орасида фаолиятини расман рўйхатдан ўтказмаганлар ҳам бор. Мустақил иш бошлаш истидаги хотин-қизларга бефарқ қаралаёт-

ган худудлар ҳам йўқ эмас.

Музокарада қатнашганлар ахборот, маблағ ва ерга эга бўлиш масалаларидаги имкониятлари чекланганлиги, кредит олишдаги қийинчиликлар ҳақида сўзлашди.

Йиғилиш якунида вилоят ҳоқими Р. Холматов тадбиркорликни ривожлантирмай туриб, янги иш ўринларини кўпайтириб бўлма-маслиги, барча туман ва шаҳар ҳоқимликлари, ай-никса, хотин-қизлар қўми-

талари раислари тадбиркор аёллар фаолиятига алоҳида эътибор бериб, имконият даражасида ердан беришлари, шунингдек, банк ходимларининг ўз вазифасига масъулият билан қарашлари, сансалорлик, оврагарчиликларга чек қўйиш лозимлигини қатий таъкидлади ва бу борада қатор ташкилотларга аниқ кўрсатмалар берди.

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

2010 йил учун

ОБУНА

ДАВОМ ЭТМОҚДА
ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
газетасининг индекси – 205

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Комиссия раиси М. Абдусаломов бошқарди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисини қақуриш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 81-моддаси, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги

қуий палатасининг биринчи мажлисини 22 январь кун Тошкент шаҳрида қақуриш ва унинг кун тартибига ташкилий масалаларни киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шунингдек, мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

ЎзА.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биринчи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси 22 январь кун соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биносиде очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси мажлисига келган депутатлар 21 январь кун соат 9:00 дан 18:00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биносиде рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси.

